*Ўзбекистон — Корея Республикаси*



# ЭРТАНГИ КУН МУБОРАК!

## «ЎЗДЭУАВТО» КОРХОНАСИ ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ, АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИГИ РАМЗИДИР

Бу сарлавҳа сизни ажаблантирмасин. Куни кеча мамлакатимиз телевидениесида Асакада ишга туширилаётган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси ҳақидаги фильм намойиш этилди. Улкан иншоотларни, уларга ўрнатилган мўъжизакор ускуналарни, цехлардаги тартиб ва озодаликни кўриб шу юртнинг ҳар бир фуқароси каби, менинг кўнглимдан ҳам ғурурбахш туйғулар кечди. Айниқса, ана шу завод маҳсулоти — уч турдаги бир-биридан гўзал енгил машиналарни айтмайсизми! Улар фильм давомида катта автосалонда айланиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг қудратини, улкан илмий-техникавий салоҳиятини, халқимизнинг яратувчилик меҳнатини, юртимизнинг кўрку жамолини кўз-кўз қилаётгандек!

Асакада ишлаб чиқарилаётган машиналардан бири «Нексиа» деб аталади. Бу ўзбекчада — эртанги кун деган маънони англатади. Шу боис, ана шу заводни қурган, унда ишлаётган ватанимиз фарзандларини эртанги кунни — яъни орзу қилган буюк келажагимизни яқинлаштираётганларга менгзагим, халқимизга эса «Эртанги кун муборак!» дея хитоб қилгим келди.

«ЎзДЭУавто» бизга нимаси билан қадрли? Аввало, халқда «Ўзингда йўқ — оламда йўқ», деган нақл бор. Биз бу ҳақиқатнинг аччиқ мевасини тотиганмиз. Битта «Жигули» оламан деб ўн йиллаб навбатда турганлар, шўро замонининг сўнгги йилларида заёмига енгил машинага етарли ютуқ чиқиб, лекин уни ололмай сарсон-саргардон бўлганларни биламиз. Сабаби, бу машиналар бизда чиқарилмас, бировнинг қўлига қараган эдик. Энди бу мақолни «Ўзингдан чиққанига не етсин!» деган нақлга алмаштирадиган пайт келди.

Бу мўъжиза заводнинг яна бир ҳайратланарли жиҳати — қисқа муддатда қуриб битказилгани, давлатлар ва халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, елкама-елка ишлаш оламшумул натижалар беришини намойиш этганидир. Қолаверса, тайёрга айёр бўлиб ўрганган баъзи бировлар орзу қилаётганидек, мажбурий равишда тиқиштирилаётган «чуқур интеграция» эмас, кўнгилли, икки томонлама манфаатли иқтисодий шериклик афзаллигини бутун оламга кўрсатиб берганидадир.

Бу қўшма корхонанинг иқтисодий ислоҳотларимизга таъсирига келсак, бу ерда, аввало, жаҳон бозорида рақобатбардош машиналар чиқарилади. Бу ёш, мустақил давлат учун катта ютуқ, албатта. Ишлаб чиқариш ҳажми ортгани сари ишловчилар сони ҳам кўпайиб бораверади: заводда, лойиҳада кўзда тутилганидек, йилига 200 минг машина тайёрлана бошлагач, бу ерда 4,5 минг нафар муҳандис ва ишчи хизмат қилади. Фарғона водийсидек аҳолиси тиғиз ҳудуд учун бу нечоғли аҳамиятга эга эканини айтиб ўтирмаймиз. Бундан ташқари, 2000 йилга бориб бутловчи қисмларнинг 70 фоизи Ўзбекистон, ён қўшниларимиз — Қозоғистон ва Қирғизистондаги заводларда ишлаб чиқарилади. Бу ҳам қанча-қанча буюртма, янги иш жойи демакдир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, завод мамлакатимизда миллий ишчилар синфи шаклланишида, одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгаришида, айниқса, ёшлар юрагида илғор технологияга ҳавас ва рағбат уйғонишида муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бу ерда ишлаётганлар билим даражаси, интизоми, одоби билан биз билган «ишчилар»дан кескин фарқланади.

Энг муҳими, «ЎзДЭУавто» заводи Президент Ислом Каримов раҳнамолигида танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғрилигини яна бир карра исботлайди. Ўзбекистонимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида, жаҳон иқтисодий жараёнига қўшилишида залворли қадам бўлади. Юртимиз, халқимиз обрўсига обрў қўшади.

Биз «Мустақиллик, истиқлол дейсиз, у бизга нима берди?» деган саволга ҳамон дуч келамиз. Бу қитмирона гапни кўпроқ узоқни кўра олмайдиган ёки қорнидан ўзга ғами йўқ одамлар айтади. На чора! Бутун давлат қурилишини, жамиятни, иқтисодни ислоҳ қилиш ўз-ўзидан бўлмас экан! Истиқлол берган озодлик, эрк, қайта тикланган миллий қадриятлар, демократиялаштириш жараёнини қадрлаш туйғуларини одамлар юрагига сингдириш — уларнинг дунёқарашида ўзгариш ясаш қийин кечар экан!

Ўтмиш даврининг муваққат қийинчиликларига қарамай, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан қурилишлар, нефть ва ғалла мустақиллигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, шукрки, бирин-кетин самара бера бошлади.

Шу маънода, Асакада чиқаётган машиналаримиз, таъбир ўринли бўлса, мустақиллигимизнинг, тилдаги эмас, балки, кўз билан кўриб, қўл билан тутиб бўладиган амалдаги илк натижаларидан биридир. Ана шу неъмат барчамизга муборак бўлсин! Шундай неъматларимизга барака бераверсин, буюк келажагимиз тобора яқинлашаверсин!

**Аҳмад ТОШХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**
**(ЎзА).**




**«ЎзДЭУавто»нинг ишлаб чиқариш директори ўринбосари Чан Гон Чай ҳамюртимиз, корхонанинг ишлаб чиқариш бўлими директори Ҳотам Сотволдиев билан мулоқотда.**

**Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.**

---

*Эртага — металлурглар куни*

# ҲАЖМИ ОРТИБ, ТУРИ КЎПАЙМОҚДА

***ЭРТАГА республикамизда касб байрамларидан бири — Металлурглар куни нишонланади. У умумхалқ айёми сифатида байрам қилинади. Чунки, металлургларнинг машаққатли, айни вақтда, шарафли меҳнати самараларидан баҳраманд бўлмаган бирорта халқ хўжалик тармоғи ёки оила йўқ, десак муболаға бўлмайди. Шу қутлуғ кун муносабати билан жамоатчи мухбиримиз Турсунали Усмонов «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Мирзамурод БОЙМУРОДОВ билан суҳбатлашди.***

— Ўрта Осиёда ягона бирлашмамиз мана эллик йилдан бери ўзининг жаҳон андозаси талабларига жавоб берадиган, халқ хўжалигини ривожлантиришга ниҳоят даражада зарур пўлат маҳсулотлари билан довруғ таратмоқда. Корхонада айни оловли йилларда 1944 йил 5 март куни дастлабки ўзбек пўлати эритмаси олинган эди. Завод қурилиши, кейинчалик кенгайиб бориши, ишлаб чиқариш қувватининг кескин ошишида Усмон Юсупов, Шароф Рашидов каби давлат арбобларининг салмоқли ҳиссалари борлигини бугун металлургларимиз фахр билан тилга оладилар.

Завод маҳсулот бера бошлаган дастлабки йиллари унинг учта цехи бўлган эди, бугун эса 30 дан ортиқ ана шундай бўлинмалар мавжуд. Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, заводимиз комбинат номини олди. Бу ерда янги қувватлар ишга туширилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш турлари кўпайди. Юзга яқин халқ истеъмол моллари, арматура, бурчакли темир, турли металл буюмлари, пўлат соққалар, ҳар хил ўлчамдаги қувурлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Кейинги бир йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми деярли икки баравар ошганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда автомобилсозликни ривожлантириш, олтин қазиб олиш ва цемент саноатининг тараққиётини таъминлаш учун Ўзбекистон металлургия комбинатида ишончли заминлар яратилди. Бу ўринда металлургларимизнинг Германия фирмалари билан ҳамкорлиги яхши самаралар бермоқда. Чунки, чет эл сармояларининг кириб келиши корхонанинг иқтисодий қудратини янада оширмоқда.

Комбинатимиз маҳсулотлари жаҳон бозорида ҳам рақобатбардош бўлмоқда. Прокат маҳсулотларига хориж давлатларида ҳам талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. АҚШ, Япония, Эрон, Туркия, Афғонистон, Германия ва бошқа хорижий мамлакатларнинг нуфузли фирмалари комбинат билан ҳамкорлик қилишни маъқул кўрмоқдалар. Шу йилнинг олти ойида 22 минг тонна маҳсулот экспорт қилингани ҳам бунинг далилидир.

Иқтисодий ислоҳот, бозор муносабатлари жараёнида металлургларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтирилди. Комбинат маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида қабул қилинган жамоа шартномасининг ҳар бир бандида ҳам меҳнат кишиларини муҳофазалаш алоҳида ўрин эгаллайди. Металлурглар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Комбинат тасарруфидаги шифохона, соғломлаштириш маскани замонавий тиббиёт асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Спорт иншоотлари - ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси, югуриш йўлаклари, футбол, волейбол майдонлари ишчи-хизматчилар билан доим гавжум. Бу масканлар чиниқиш, саломатликни тиклаш, соғлом авлодни тарбиялаш марказига айланиб қолган. Биз металлургларимизнинг дам олиш кунлари ва бўш вақтлари мазмунли ўтиши ҳақида доим қайғурамиз. Металлурглар Маданият саройи, кинотеатр, болалар боғчаси, кутубхона, ошхона ишчи-хизматчиларимиз хизматида. «Фарҳод» дам олиш маскани Сирдарё соҳилида жойлашган. Унга автобус қатнови йўлга қўйилган. «Кўл бўйи» дала ҳовлисида металлурглар дам олиш кунларини балиқ овлаш, сайр қилиш билан ўтказадилар. Жамоа-жамоа бўлишиб «Сўқоқ», «Кумушкон», «Чимён» дам олиш масканларига, Самарқанд, Бухорога тез-тез саёҳат қилиш ҳам уюштириб турилади.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 700 нафар киши комбинат профилакторийсида саломатлигини мустаҳкамлади. 76 киши республикамизнинг турли хушманзара жойларидаги санoторийларда, 100 нафарга яқин металлург дам олиш уйларида бўлишди. Ишчи-хизматчиларга имтиёзли йўлланмалар бермоқдамиз. Комбинатимиз меҳнаткашлари МДҲ мамлакатларидаги истаган санаторийларда ҳам даволаниб қайтмоқдалар.

Металлург меҳнатини қанча қадрласак шунча оз. У мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш, куч-қудратини ошириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун олов билан юзма-юз туриб ишлайди. Минг даража иссиқ бўлган печларда пўлат эритади. Шу боис ҳам уларнинг соғлиғи, оиласининг тинчлиги, ҳаёти, яшаши биз касаба уюшмалари ходимларини бефарқ қолдирмайди. Уй шароитлари, фарзандлар тарбияси, тўй-маъракаларда мадад бериш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамиша диққат марказимизда бўлиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Эртага — касб байрамимиз.

Металлургларимиз жонажон республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ хўжалигини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиш учун бундан буён ҳам сабот-матонат билан мардона меҳнат қилавера-дилар. Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги нишонланадиган ушбу йилда жамоамиз 500 минг тонна пўлат эритишга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу улуғвор ишда металлургларимизга муваффақиятлар тилаймиз.



**Ушбу суратда илғор металлурглар Мамат Ҳолиқов ва Ўктам Ҳамидовларни кўриб турибсиз.**

---

*ҲАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ: ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Япониянинг «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси делегацияси ўзининг доимий шериги — Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси таклифига биноан республикамизга келди. Ташрифдан мақсад иккала мамлакат жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришдан иборат.

Делегация таркибида тиббиёт ходимлари, педагоглар, жамоат арбоблари, Япониянинг Фукусима префектураси хотин-қизлар ташкилоти вакиллари бор. Улар Ўзбекистон маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси халқаро хотин-қизлар бўлими фаоллари билан учрашди, Тошкент вилояти хўжаликларидан бирида бўлиб, ўзбек халқининг миллий урф-одатлари билан танишди. Сафар дастуридан Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари зиёрати ҳам жой олган.

«Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси 17 йилдан бери фаолият кўрсатади. Бу давр мобайнида иккала мамлакат олимлари, тиббиёт ходимлари ва талабалари ўртасида бевосита алоқа ўрнатилди. Фақат мамлакат билан танишишдан ташқари, турли соҳаларда ахборотлар алмашиб туриш учун тез-тез ўзаро делегациялар юборилиб турилади. Ҳамкорликда турли анжуманлар, семинарлар ва маданий тадбирлар ўтказилади.

Япония делегациясининг бу ташрифи иккала уюшма ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси натижасидир. Сафар якунида ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади. Ўзаро делегация юбориш шартига биноан яқинда Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаларининг бир гуруҳи икки ҳафтага Японияга боради. Ҳар йили институтнинг тўрт нафар талабасини Фукусима хотин-қизлар коллежида ўқитиш учун ҳам аҳднома тузилган.

Ўзбекистон халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси Амир Темур таваллудининг 660-йиллиги ва Бухоро ҳамда Хева шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган суратлар кўргазмасини ташкил этди. Меҳмонлар бу суратларни Японияга олиб кетишади. Суратлар кузда Японияда ўтказилиши мўлжалланаётган Ўзбекистон маданият кунлари тадбирларининг дебочаси бўлиб қолади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

# ЭНЕРГЕТИКЛАР КЕЛИШИБ ОЛИШДИ

Ўзбекистон энергетика ва электрлаштириш вазирлигида иссиқлик электр станцияларининг асосий жиҳозларини таъмирлаш бўйича «АББ таъмир» қўшма корхонасини тузишга оид ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Республика энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда Германиянинг дунёга машҳур «АББ» фирмаси мазкур қўшма корхона муассислари бўлди.

Корхонани тузишга доир ҳужжатларга республика энергетика ва электрлаштириш вазири В. Отаев, «АББ» фирмаси президенти Герхард Ҳеккелман имзо чекди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимида Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Райнхат Биндзайл иштирок этди.

**(ЎзА).**

---

# НАВБАТ — ОЛИЙ БОСҚИЧГА

***ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови ўзининг якунловчи босқичига ўтди. Вилоят миқёсида кўтаринки руҳда ва юксак ташкилотчилик билан ўтказилган бу кўрик танлов ҳусусида эндиликда маълум бир фикр-мулоҳазалар билдириш мумкин.***

АВВАЛО бу танлов жойларда тантанали руҳ касб этиб, ҳақиқий санъат байрамига айланиб кетгани, ёрқин истеъдодларни кашф этгани нур устига аъло нур бўлди. Танлов ўтаётган томошагоҳлар санъатсевар халқимиз билан «лиқ» тўлгани ва анчадан буён ҳувуллаб ётган бу масканлар уларнинг гулдирос олқишлари билан янада файз тароватга бурканган дилларга ҳузур бағишлади.

Айниқса истеъдодларга бойлигимиз, ғолибларни аниқлашда танлов ҳайъат аъзоларининг «тер тўкиб» ишлашларига тўғри келганларини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Зеро танловда шаҳар ва туманларимиздан 18180 иштирокчининг қатнашгани фикримизга далилдир.

Шунинг натижаси ўларок Бўка тумани ва Чирчиқ, Янгиобод, Янгийўл шаҳарларида худудий танловлар ўтказилиб, уларда 860 иштирокчи, яъни «ғолибларнинг ғолиблари» яна қайтадан беллашдилар. Ва ниҳоят 2-апрель куни пойтахтимиздаги Муқимий номли ўзбек Давлат мусиқали театрида вилоят миқёсида қўшиқлар кўрик танлови бўлиб ўтди. Бу якунловчи босқичда 41 концерт дастури томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Муҳтарам газетхонлар унинг ғолиби ҳақида хабардорлар.

Танловда ўз касбининг устаси бўлган моҳир санъаткорлар, ҳаваскорлар, қўйингки уч ёшдан етмиш ёшгача бўлган иштирокчилар қатнашдилар. Улар орасида ўқувчилар, ўқитувчилар, талабалар, маданият ходимлари, турли касб эгалари бор эдилар.

Вилоятимиз кўп миллатли бўлиб, кўрик танловда 9 миллат вакиллари — ўзбек, қозоқ, корейс, рус, қрим татар ва бошқалар иштирок этдилар. Энг эътиборлиси шундаки, турли миллат вакиллари ўз қўшиқларини ўзбек тилида ижро этдилар. Бу ҳол санъатсевар халқимизда катта қизиқиш уйғотди.

Кўрик танловда 5 мингга яқин қўшиқлар ижро этилди. Уларнинг деярли кўпчилиги таниқли шоир ва бастакорлар ижоди маҳсулидир. Лекин ҳаваскор шоир ва бастакорларнинг, мусиқа мактаблари муаллимларининг фаоллиги ҳам бизни мамнун этди.

Бир сўз билан айтганда олти ой давом этган танлов ўзининг навбатдаги олий босқичига кўтарилди. «Ўзбекистон-Ватаним маним» қўшиқлар кўрик танлови вилоятимизда истеъдодли ҳаваскор ижрочилар борлигини намойиш қилди. Элликдан зиёд ҳаваскорлик бадиий жамоаларини халққа танитди. Уларнинг ижрочилик маҳорати юксалиб ҳамда репертуарлари етук асарлар билан бойиб бораётгани кўпчиликни қувонтирди. Энди навбат олий босқичга!

**З. СОЛИҲОВ,**
**Вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи.**

*Илҳом*

## ВАТАНГА ҚАСИДА

*Яратганнинг суйгун назари тушган*
*Тупроқлари олтин, онажон юртим.*
*Тилло кишанларни авайлаб ечган*
*Дориломон юртим, жонажон Юртим,*
*Кўраётган ўнгинг, тушинг муборак,*
*Бошингдаги хумо қушинг муборак.*
*Оппоқ саҳарларда тонгги азонлар*
*Бағрингда ҳақ учун қилар ибодат.*
*Бир-биридан солиҳ, мунаввар тонглар*
*Ҳақдин эртанг учун сўрар саодат,*
*Чиқаётган олтин тахтинг муборак,*
*Истиқлол ярашган бахтинг муборак!*
*Ватан, баҳорларинг кўркли бўлсин-ей,*
*Сендан саховатин аямасин куз.*
*Бағринг эзгуликдай нурга тўлсин-ей,*
*Борин аямасин, Юртим дала-туз,*
*Оламга бўйлаган бўйинг муборак.*
*Озодлик ярашган тўйинг муборак.*

*Бағри бутун бўлсин, Юртим элингнинг*
*Эрк келди, фаровон кунлар ҳам яқин.*
*Боши баланд бўлди она тилингнинг,*
*Демак, ҳаққа етар кунлар ҳам яқин,*
*Боболарнинг мадад руҳи муборак,*
*Туроннинг ўз ялови — туғи муборак!*
*Сумалаклар пишган қозонларингни*
*Лайлатулқадрдай тунларинг кўрди.*
*Элга ёзган очил дастурхонингни*
*Наврўз — саховатли кунларинг кўрди,*
*Қўша-қўша савоб ишинг муборак,*
*Бошингдаги хумо қушинг муборак!*

**Меҳринисо ОЙДИНОВА.**

## ЎҒЛИМГА

*Қўрқоқлик бу — билсанг дунёда,*
*Фожеадир, булғар орингни*
*Жон ширин кўринса шу он,*
*Сотажаксан дўст, диёрингни.*

*Қўрқиб меҳнат қилишдан агар,*
*Кириб кетсанг эгри йўлларга.*
*Хор бўлишинг аниқ, муқаррар,*
*Тушажаксан минг бир кўйларга.*

*Ҳақиқатни ёқлашдан қўрқиб,*
*Бўйин эгсанг ҳақсизликларга,*
*Нотавондан қолмайди фарқинг,*
*Йўл очасан бахтсизликларга.*

*Қўрқоқликни юрагингдан қув,*
*Ҳақиқатга яша тик боқиб,*
*Ҳамроҳ бўлсин, аммо шу қўрқув,*
*Қўрқоқликдан яшагин қўрқиб.*

## БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИ

*Игна билан қудуқ қазгандай,*
*Чўл бағрида яратгандай боғ,*
*Ханжар билан тошга ёзгандай,*
*Тупроқ билан кўтаргандай тоғ,*

*Заҳмат чекар ҳар соат, ҳар кун,*
*Толиқишни, миннатни билмас.*
*У яшайди келажак учун,*
*Иродаси пўлат — букилмас.*

## СЕН МЕНИНГ ГУЛЛАРДАН ЯХШИ ГУЛИМСАН

*Сенсиз менга яшамоқ оғир,*
*Ташна дилни хушламоқ оғир.*
*Минг бир баҳор келиб кетса ҳам,*
*Гулламоқлик, яшнамоқ оғир.*

*Мендан кўра дардлироқдирсан,*
*Мендан кўра шахдлироқдирсан.*
*Мен деб кечдинг... мен кечолмадим,*
*Мендан кўра бахтлироқдирсан.*

*Мен қаноат, камга кўниккан одам,*
*Ҳаётда кўп ғамга йўлиққан одам,*
*Чўчима, ўзимни тутиб олурман,*
*Озгина бахтдан ҳам ҳовлиққан одам.*

*Муҳаббатнинг баҳор, ёзи ҳам ўтар,*
*Ҳижрон, висол, араз, нози ҳам ўтар,*
*Наҳот кузи бўлса муҳаббатнинг ҳам,*
*Ким бундан норози, рози ҳам ўтар.*

*Сен менинг гуллардан яхши гулимсан,*
*Ҳаётим безаги, нақши гулимсан.*
*Кулдирсанг ҳам, йиғлатсанг ҳам шеър ёздим,*
*Сен туфайли бўлдим бахши, гулимсан.*

*Айрилиб кетишдан осони йўқдир,*
*Лекин, бунинг жонга омони йўқдир.*
*Диллар бир-бирига талпинган маҳал,*
*Топишмаса бундан ёмони йўқдир.*

**Туроб НИЁЗ.**

*Амир Темурнинг 660 йиллиги олдидан*

## ҚИЗЛАР БЕЛЛАШГАНДА

ЯҚИНДА Юқоричирчиқ туман маданият уйида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Касбим фахрим» мавзуида туман кутубхоначилари ўртасида кўрик-танлов бўлиб ўтди. Уни туман маданият бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорликда уюштирди.

Кўрик-танловда Жиянгул Бектемисова, Зилола Гулматова, Ҳамида Пирматова, Гулбаҳор Маҳкамова, Зиёда Умирова сингари кутубхоначи қизлар бобомиз Амир Темур ҳаётига оид берилган саволларга тўлақонли жавоблар қайтардилар. Танловда Ҳамида Пирматова зукко билим эгаси эканлигини намойиш этди. У кўрик-танлов ғолиби бўлди. Г. Маҳкамова ва З. Умировалар иккинчи ва учинчи мукофотга сазовор бўлишди.

Кўрик-танловнинг яна эътиборли томони шунда бўлдики, унда Амир Темур ҳаётини акс эттирувчи саҳна кўринишлари ҳам намойиш этилди. Эркин Аҳмедов, Эргаш Раимбердиевларнинг дилрабо қўшиқлари янгради.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

*Шифокор ҳузурида*

***Тиббиётда инсоннинг юзига қараб, унинг умумий холатини, айрим сурункали касаллик белгиларини, кўзидан эса миянинг ҳолатини, тилнинг рангига қараб эса кўпроқ меъда ва ичак тизимининг аҳволини билиб олиш ва айни пайтда кишиларнинг тишларига қараб уларнинг соғлиқларига бўлган муносабатларини ва овқатланиш маданияти даражасига баҳо бериш мумкин. Хуллас, ҳозирги даврда аҳолига ихтисослашган тиббий ёрдами кўрсатишнинг кенг тарқалган ва муҳим турларидан бири — стомотологик ёрдамдир. Мурожаат этилиши жиҳатдан терапевтлик ёрдамдан кейин у иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз шифохоналарига мурожаат қилаётган ҳар етти кишининг бири стомотолог мижози бўлиб қолди.***

## ТИШ ҚАДРИНИ БИЗЛАРДАН СЎРАНГ



Биз яқинда Тошкент вилояти стомотология поликлиникасида бўлиб қайтдик. Бу шифо масканида ҳар куни юзлаб одамлар малакали врачлар ёрдамида дарддан фориғ бўлиб қайтмоқдалар. 25 йилдан бери ушбу шифохонада бош ҳакимлик қилиб келаётган Ёркин Назаров билан суҳбатимиз ҳам айнан стомотологияга оид мавзуда бўлди.

**— Ёркин ака, ҳаммага маълумки, инсон меъёрли ҳаёт кечириши учун унинг бутун аъзолари соғлом бўлиши керак. Аммо, киши умри давомида тишларнинг ўрни бошқа аъзолардан тубдан фарқ қилади, дейишади?**

— Тиш муаммоси қадим замонлардан инсон фикрини ўзига жалб қилади. Тушиб кетган тишлар ўрнига ясама тишлар қўйиш билан эрамиздан аввал ҳам шуғулланишган. Қадимги ёдгорликларни қазиш вақтида топилган суяк, олтин ва кумушдан ясалган ясама тишлар бундан гувоҳлик беради. Кўпинча бундай ясама тиш юқори жағнинг олдинги қисмига қўйилган. Бу иш билан — заргарлар, чилангарлар, сартарошлар шуғулланган. Тиббиёт фанининг даҳоси бўлмиш Абу Али ибн Сино ҳам «Тиб қонунлари»нинг 20 дан зиёд саҳифасини тиш касалликларига бағишлаган. Бу соҳа асрлар давомида аста-секин ривожлана бошлади. Ва алоҳида бир фанга айланди. Бу стомотология фанидир.

**— Стомотология фани ва унинг вазифалари ҳақида батафсил тушунча берсангиз.**

— «Стома» сўзи грекча бўлиб, оғиз демакдир, стомотология эса шу соҳани ўрганувчи фандир. Стомотология фани ҳозирги кунда тиш касалликларини ўрганибгина қолмай, балки, аъзоларнинг ҳолатини бир бутун ҳолда тадқиқ этади. Тиш инсон ҳаётида ва унинг сиҳат-саломат бўлишида муҳим роль ўйнайди. Тишлар овқатни узиб олиш ва чайнаш вазифасини бажаради. Овқат етарли даражада майдаланмаса, бадан уни яхши ҳазм қила олмайди. Бунинг натижасида меъда ичак йўлининг сурункали касалликлари гастрит, энтраколит, колит,меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси вужудга келиши мумкин. Тишлар товушларни талаффуз қилишда ҳам катта аҳамиятга эга. Олдинги тишлари тушиб кетган педагоглар, лекторлар, артистлар, хонандалар, дикторлар кўпинча ўз мутахассисликлари бўйича ишлай олмай қоладилар. Соғлом тишлар кишига ҳусн бериб туради. Истарани иссиқ ва гўзал қилиб кўрсатади.

Одамда тишлар умр давомида икки марта чиқади ва улар сут тишлар ва доимий тишлар дейилади. Сут тишлар 20 та бўлиб, бола олти ойлигидан бошлаб икки ярим ёшгача чиқиб бўлади. Уч ёшдан олти-етти ёшгача янги тишлар чиқмайди. Доимий тишлар олти ёшдан 14 ёшгача чиқади, ақл тишлари эса 40 ёшгача чиқиши мумкин. Ҳозирги замон кишиларининг кўпчилигида ҳаёт шароитининг ва овқатланиш табиатининг ўзгариши натижасида ақл тишлари чиқмаяпти.

**— Тишларнинг тўғри шаклланиши, ўсиши ва чиқишида, сўнгра тиш касалликларининг олдини олишда, тиш ва жағларни етарли даражада чиниқтириб бориш учун нималар қилиш зарур?**

— Қаттиқ овқат тишни мустаҳкамлайди, касалликларга чидамли қилади. Эзилган ва юмшоқ овқат тишни етарли бақувват қила олмайди, натижада тишларнинг касалликка чидами пасайиб кетади. Аҳоли орасида энг кўп тарқалган тиш касалликларидан бири — кариес, яъни лотинча «суяк чириши» 84 фоизгача кенг тарқалган. Кариес билан оғриган бемор ўз вақтида врачга мурожаат қилса, бир марта даволатганнинг ўзидаёқ тишини тузатиб олиши мумкин. Акс ҳолда касаллик тишнинг юмшоқ тўқимасига ўтади ва уни яллиғлантиради Бу пулпит дейилади. У тутиб-тутиб, қаттиқ оғриқ билан кечади. Ўз вақтида даволанмаса, яллиғланиш тиш атрофидаги тўқималарга ҳам тарқалади. Яъни периодонтит касаллигига айланади. Бунда бемор тиши худди ўсиб қолганга ўхшайди. Тишга сал тегса ҳам оғрийди. Бу касаллик зўрайиши натижасида суяк пардасининг яллиғланиши, периостит авж олиши мумкин. Бунда оғриқ зўрайиб кетади, ҳарорат кўтарилади, тиш қимирлаб қолади, юз шишади, буни «флюс» дейилади. Ўз вақтида даволанмаса, дард яна чуқурлашади — остеомелит, яъни суяк яллиғланиши мумкин. Кариесдан сўнг иккинчи, яна бир касаллик-пародонтоз яъни «йиринг» оқиши бошланади. Бунда милк шишади, эрталаб тиш караш боғлаб қолади, тиш тозаланаётганда ёки овқатланётганда милк қонайди. Бу даврда бемор даволанмаса, касаллик авж олиб, милк қочиб, тиш илдизи очила бошлайди, тиш қимирлайди. Оғиздан ёмон хид келади.

**— Ҳар қандай касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, дейишади.**

— Профилактика-стомотологиянинг асосини ташкил этади. Шунинг учун ҳам бевосита шифохоналарда, ишлаб чиқариш корхоналарида, мактабларда олиб борилаётган дастлабки чоралар стомотологик шифохоналар ишида муҳим ўрин эгаллайди. Барча тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида тишнинг кариес касаллиги 45 фоизгача камайиши мумкин. Тишлар касалликларининг олдини олишда оғиз бўшлиғини тоза тутиш муҳим роль ўйнайди. Тиш орасига кириб қолган овқат оғиз бўшлиғи микроблари таркибида чирийди, натижада тишга зарарли таъсир қилувчи моддалар ҳосил бўлади ва оғизда нохуш хид пайдо бўлади. Шунинг учун тишни тоза тутишга ўрганиб бориш керак. Оғизни гигиеник парвариш қилиш — тишларни тозалаш ва ҳар овқатлангандан сўнг чайишдан иборат. Унда тиш шёткасини тўғри танлашга эътибор бериш лозим. Шёткалар болалар ва катталар учун алоҳида тайёрланади. Янгисини ишлатишдан олдин яхшилаб совунлаб ювиш, кейин спирт, одеколон ёки бирон дезинфекцияловчи эритма билан артиш керак. Ҳар бир кишининг алоҳида тиш шёткаси бўлиши керак. Кунига икки маҳал, яхшиси эрталаб ва кечқурун ётиш олдидан тишни тозалаган маъқул. Гигиеник пасталар тишларни механик равишда тозалашга мўлжалланган. Стомотологик касалликларнинг олдини олишда эса даволаш-профилактика пасталаридан фойдаланилади. Ҳар сафар овқатдан сўнг тишларни ва оғизни қайнатилган сувда, эликсир ёки номокопда чайиш зарур. Овқатлангандан сўнг қаттиқроқ олма ейиш фойдали, шунда тиш яхши тозаланади. Халқимизда «Овқатни узоқ чайнасанг, узоқ яшайсан» деган нақл бор. Чиндан ҳам одам овқатни яхши чайнаса у тез хазм бўлади. Бироқ, овқат чайнаш учун тишлар соғлом ва мустаҳкам бўлмоғи лозим.

**— Хўш, тишлар тушиб кетган бўлса-чи?**

— Бунинг иши осон. Янгиларини яъни ясама тишларни қўйиш керак. Тиш протезларининг бир неча турлари мавжуд. Протез тишлар тиш қаторларини тўлдириш билан чегараланиб қолмай, балки, кишига ҳусн ҳам беради. Тишларнинг ранги ўзгариб ёки қинғир-қийшиқ бўлиб, одамни хунук кўрсатадиган бўлса, албатта шифокор билан маслаҳатлашиб, иш тутмоқ даркор. Оғизда битта ҳам тиш қолмаган бўлса, олиб қўйиладиган пластинали протезлар қўйилади. Тишлари тушиб кетган киши, албатта, тиш қўйдириши керак, шунда унинг талаффузи равон, юзи кўркам, сиҳат саломат бўлади. Бундан ташқари овқат яхши чайналади. Қўйилган тишлар одамнинг худди ўзиникидек бўлганидан, кишининг руҳи кўтарилади.

**— Баъзи одамлар бор машинадан қўрқиб, врач-стомотологга вақтида бормайди, натижада касаллик оғирлашиб, ўзларини қийнаб қўяди.**

— Улар ўзларига жабр қиладилар. Натижада касалликни оғирлаштирадилар ва оқибатда тишлари олиб ташланади. Шунинг учун ҳеч иккиланмай поликлиникамизга келинг, бизда ҳозирги вақтда дақиқада 100 минг-300 минг марта айланадиган замонавий бор машиналар мавжуд. Улар тишларни даволашда беморларга айтарли озор бермайди. Бундан ташқари тиш тошини олишда ултротовушдан, оғиз бўшлиғида учрайдиган турли яра-чақаларни даволашда лазер нурларидан муваффақиятли фойдаланилмоқда. Даволаниш жараёнлари олдидан беморларга тинчлантирувчи дорилар, триоксазин, андапсин, элениум, седуксен ва бошқалар қўлланилса, бемор қўрқмайди ва ҳаяжонланмайди. Бундан ташқари енгил наркоз остида бир вақтнинг ўзида беморнинг бир неча тишини олиш, ёки даволаш, пломбалаш мумкин.

Ҳозирги вақтда стомотология соҳасида катта ютуқларга эришилди. Тиш касалликларини даволашнинг турли-туман замонавий усуллари мавжуд бўлиб, беморларни қисқа вақт ичида даволаш, протез тишлар қўйиш учун барча имкониятлар бор. Шунинг учун ўз вақтида, қўрқмай стомотологларга мурожаат қилсангиз, барча муаммолардан ҳоли бўласиз. Тишингиз безовта қилмаган тақдирда ҳам бир йилда икки марта стомотолог қабулига боришни одат қилинг.

**Суҳбатдош: Миржалол МИРАЛИЕВ.**

**• Суратда: вилоят тиш даволаш шифохонасининг биринчи тоифали врачи Фазлиддин Тўрахўжаев беморни муолажа қилмоқда.**

**Даврон АҲМАД суратга олган.**

## АЁЛЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

ҚУЙИЧИРЧИҚ тумани ҳокимлиги аёллар ва уларнинг саломатлиги тўғрисида доимий равишда ғамхўрлик қилиб келмоқда. Солдатскоедаги болалар поликлиникаси қайта таъмирланиб, туғруқхонага айлантириладиган бўлди. Бу ерда аёллар маслаҳатхонаси ҳам ишлайди.

Ҳозирда бўлажак туғруқхона биносида таъмирлаш ишлари жадал бормоқда. Бунда 3-қишлоқ қурилиш корхонаси, «Омад» хусусий фирмаси ҳамда 5-хўжаликлараро кўчма колонна қурилиш ташкилоти қурувчилари меҳнат қилмоқдалар.

**Чарос ЎСКАНОВА.**

## «ДЎСТЛИК» ЎЗ ЎРНИДА

**Мамлакат биринчилиги олий табақаси вакиллари биринчи даврага якун ясадилар**

МАМЛАКАТ V биринчилигининг биринчи даврасига якун ясалди. Сўнгги 15-тур МҲСК, «Пахтакор» ва «Дўстлик» учун омадли келди. Улар нафақат ғалабага эришиб, учтадан очкони қўлга киритдилар, балки МҲСК ва «Дўстлик» турнир жадвалида бир поғонадан юқорига кўтарилдилар. Вилоятимиз вакиллари «Дўстлик» мавсум бошида режалаштирилган... олтинчи ўринни эгаллади.

Йил бошида мутахассису, муҳлислар бу сафар «Навбаҳор» чемпионликка асосий даъвогарлардан бири бўлади, деб тахмин қилган эдилар. Бу фикр ҳозирча олтмиш фоиз тасдиқланмоқда. Наманганликлар яқин рақиблари «Нефтчи»дан саккиз очко, МҲСКдан тўққиз очко ўзиб кетдилар. Бухороликлар билан 22 майда биринчиликнинг олтинчи турида 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган «Навбаҳор», мана тўққиз турдирки, ўз майдонида ҳам, сафарда ҳам фақат ғалаба қозониб келмоқда. Ўтказилган ўн беш учрашувнинг 13 тасида ғолиб келиб, атиги иккитасини дуранг қилган ва бирор марта мағлубиятга учрамаган «Навбаҳор» олтин медалларни қўлга киритиш учун астойдил бел боғлаган кўринади. «Нефтчи» ва МҲСК гоҳо-гоҳо қоқилиб қолмоқда. Сўнгги турда «Нефтчи» Термизда АСК билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаб, қимматли икки очкони йўқотди. МҲСК ҳам сафарда кутилмаганда икки ўйинни бой бериб, олтин медаллар учун бўлаётган курашда имконини бироз сусайтирди.

Тошкентда «Трактор» устидан 1:0 ҳисобида ғолиб келган «Дўстлик» биринчи даврани кучли олтиликда якунлади. Вилоятимиз вакилларидан олдинги беш ўринни эгаллаб турган жамоалар нафсиламбирини айтганда бугунги кунда бироз кучли ҳисобланишади. Шундай бўлса-да, «Дўстлик» жадвалда яна бир ёки икки поғона юқорига кўтарилиши мумкин эди. Аввалги шарҳларимизда таъкидлаганимиздек, ҳужумчилар имкониятларидан оқилона фойдаланганларида мухлисларнинг кўнгли янада тўлган бўларди. Эндиги вазифа қўлга киритилган ютуқни янада мустаҳкамлаб, шу ўриндан тушмаслик, имкони бўлса янада юқорироқ кўтарилишдан иборат бўлмоғи лозим.

Бу йилги мавсумнинг эътиборли томони шундаки, ҳакамлар қоидабузарларга қаттиққўл бўлмоқдалар. Бироқ улар ҳар қанча талаб қилмасинлар ўйинчиларнинг ўзлари қоида чегарасидан чиқишмаганлиги маъқул. Сўнгги ўн бешинчи турда 22 нафар футболчи огоҳлантириш олди. Тўрт ўйинчи майдондан чиқариб юборилди. Бу, албатта, футболимиздаги қора доғлардир. Яна бир мулоҳаза. Жамоа сал оқсадими ёки кетма-кет мағлубиятга учрадими, дарҳол бош мураббийни айбдор деб ҳисоблайдилар ва уни лавозимидан четлатишга уринадилар. Акс ҳолда ярим йўлдаёқ «Пахтакор», Самарқанднинг «Динамо», «Косонсой», «Машъал», Термизнинг АСК жамоалари бош мураббийларини ўз вазифаларидан четлатганликларини қандай изоҳлаш мумкин? Биз ахир жаҳон футбол андозаси даражасига чиқишга ҳаракат қиляпмизку! Ваҳоланки шундай экан унинг қонун-қоидаларига бўйсинишимиз лозим. Клуб, шартнома амаллари бузилмаслиги даркор.

**Олий табақа жамоаларининг биринчи даврадан сўнг турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:**

| Жамоалар | Ю. | Д. | М. | Т-Н. | О. |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. «Навбаҳор» | 13 | 2 | 0 | 36-8 | 41 |
| 2. «Нефтчи» | 10 | 3 | 2 | 31-17 | 33 |
| 3. МҲСК | 10 | 2 | 3 | 41-21 | 32 |
| 4. «Нурафшон» | 9 | 2 | 4 | 30-14 | 29 |
| 5. «Пахтакор» | 9 | 1 | 5 | 25-12 | 28 |
| 6. «Дўстлик» | 7 | 3 | 5 | 25-18 | 24 |
| 7. «Трактор» | 7 | 2 | 6 | 27-22 | 23 |
| 8. «Янгиер» | 6 | 2 | 7 | 19-25 | 20 |
| 9. «Наврўз» | 5 | 4 | 6 | 24-30 | 19 |
| 10. «Атласчи» | 5 | 3 | 7 | 20-30 | 18 |
| 11. «Сўғдиёна» | 5 | 2 | 8 | 21-23 | 17 |
| 12. «Машъал» | 4 | 2 | 9 | 16-30 | 14 |
| 13. АСК | 3 | 4 | 8 | 11-29 | 13 |
| 14. «Динамо» (С) | 4 | 0 | 11 | 14-20 | 12 |
| 15. «Косонсой» | 3 | 3 | 9 | 13-30 | 12 |
| 16. «Динамо» (У) | 1 | 3 | 11 | 10-35 | 6 |

ИККИНЧИ давра 11 августда бошланади.

4 августда чорак финал бахсларининг жавоб учрашувлари бўлади. 7 августда эса Навоий шаҳрида «Пахтакор-79» хотирасига бағишланган анъанавий турнир бошланади.

**Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.**


## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ «ТРАКТОРОЗАПЧАСТЬ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Республиканинг манфаатдор ташкилотлари, корхоналари ва хўжаликларига

ТРАКТОРЛАР ҳамда бошқа ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИ учун эҳтиёт қисмларни;

— «Д-37» ва «Д-240» учун коленваллар, вкладишлари билан;

— «А-41» шатунлари;

— блок головкалари (тўпламда) ва ҳоказоларни

**СОТАДИ**

Россия, Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Ўзбекистонда тайёрловчи заводлардан тўғридан-тўғри етказиб беради.

Тўлов усули — пул ўтказиш йўли ва векселлар билан амалга оширилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент шаҳри,**
**Навоий кўчаси, 9-уй.**
**Телефон:**
**41-43-23;**
**телефон/факс:**
**44-23-57.**





Зангиота туманидаги Фуркат номли 19-ўрта мактаб томонидан Қизжибек Алишеровна Гаппарова номига берилган АО № 001210 рақамли йўқолган

**АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтохур туманидаги А. Икромов номли 102-ўрта мактаб томонидан Ходжаев Нодир Равшанович номига берилган АО № 223822 рақамли йўқолган

**АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи муовини Ақида Валиевна Муродхўжаевага отаси

**Валихўжа ота МУРОДХЎЖАЕВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят солиқ бошқармаси жамоаси бошқарманинг катта давлат солиқ инспектори

**Бахтиёр Исроилович ИСМОИЛОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48. Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0366. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8553 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6